

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Камолов Оллошукур Халилла ўғли
ИИВ Академияси 307-гурух курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада тадкиқот мавзусининг долзарблиги, хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиши ташкил этишининг аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиши ташкил этишда иштирок этувчи субъектларининг ваколатлари, бугунги кундаги холати ва фаолият тартиби ҳақида. Бундан ташкари хуқуқбузарликларни барвақт одини олиши ташкил этиш доирасидаги нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал хужжатлар, ушбу фаолиятдаги муоммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд мuaомо ва камчиликларни бартараф этиш буйича бир катор таклифлар келтириб ўтилган. Хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш чора-тадбирлари амалга ошириш фаолиятини ташкил этиш буйича бошка хорижий давлатларнинг илғор хорижий тажрибаси ҳамда миллий конунчилигимиздан фаркли ва ухшааш томонлари, шунингдек, юкорида келтириб ўтилган жихатларидан фойдаланган холда ушбу фаолиятни такомилаштириш йуналишлари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: Хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, чора-тадбирлари, процессуал хужжатлар, хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, мuaомо ва камчиликлар.

КИРИШ

Хар кандай куринишдаги хукукбузарликларнинг барвақт олдини олиши ташкил этишда ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг фаолиятини такомилаштириш, мувофиқлаштириш ва бошкариш талаб этилади. Бунга асосан жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталиктин қарор топтиришнинг аҳамияти яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг ўрни бекиёсдир. Ички ишлар органлари профилактика тизимида амалга оширилган ислоҳатлар ва уларнинг натижалари бугунги кунда юзага келётган хавф-хатар ва таҳдидлар уларни барвақт олдини олиш ва барҳам бериш бўйича янги вазифалар, шунингдек Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиши ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш фаолиятидаги камчилик ва муаммоларни хар томонлама чукур ўрганиб таҳлил асосида изчиллик билан бартараф этиш зарур.

АСОСИЙ ҚИСМ ВА НАТИЖАЛАР

Тинчлик ва осойишталикни асраш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни ташкил этишни амалга ошириш бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг хизмат фаолияти муҳим ўрин эгаллади.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ташкил этиш орқали ҳуқуқбузурликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирларда ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ташкил этиш орқали ҳуқуқбузурликларни барвақт олдини олиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини бермоқда.

Бугунги кунда юзага келётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш орқали ҳуқуқбузурликларни барвақт олдини олиш фаолиятининг бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Мамалакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Ички ишлар органлари ходимлари билан ўтказган видеоселектрларида “Ички ишлар органларини жой-жойига қўймасак халқ бизга ишонмайди” деб таъкидлаб, такомиллаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Бу ишларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб қуйдаги норматив-ҳуқуқий хужжатлар хизмат қилиб келмоқда:

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 10 апрельдаги “Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш жамоат тартиби, фуқаролар ҳуқуқлари, еркинликлари ва қонуний манфатларини ишончли ҳимоя

қилинишини таъминлашда уларни мъсулиятини кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида" ги 5005 сонли Фармони асосида:

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон хуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шуниндек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуийдагилар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

биринчидан, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам қўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш;

иккинчидан, замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва қўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш;

учинчидан, халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмиятчилик билан ёндашувларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солиш;

бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш;

олтинчидан, аввало, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик туйғусини сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олинишини таъминлаш;

еттинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш;

саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

тўққизинчидан, ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

ўнинчидан, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат тураг жойлари билан таъминлаш.

Бугунги кунда профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш буйича қўйидаги муаммолар мавжуд:

- ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан амалга оширадиган ўзаро ҳамкорлик самарали ташкил этилмаслиги;
- ўзаро ҳамкорлик жараёнида амалий ва ахборот алмашув жараёнида ҳамкорлик етишмаслиги;
- ички ишлар органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан ҳамкорлигига етарли даражада аҳамият қаратилмаётганлиги;
- ички ишлар органларининг соҳавий хизматлараро ўзаро ички ҳамкорликнинг режа ва дастури ишлаб чиқилмаслиги;
- ички ишлар органларининг давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва жамоатчилик билан ҳамкорлиги фақатгина қозода ва амалда деярли бажарилмаслиги ва бошқалар.

Мустакиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳатлар натижасида маъмурий ҳудудлгарда жамоат тартиби ва ҳавфсизликни, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашни узлуксиз амалга ошириш имкониятига эга булган, ҳалқимизнинг маънавияти ва миллий қадриятларига асосланган янги тизим - ички ишлар органларининг таянч пунктларига асос солинди. Таянч пунктлари фаолиятининг ҳукукий, ташкилий-методик, моддий-техник ва кадрларга оид асослари, уларни бошкаришнинг узига

хос тизими шаклланди. Бунинг натижасида таянч пунктлари аҳоли тураг жойларида тинчлик ва осойишталиктини, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат ҳавфсизлигини таъминловчи асосий масканга айланиб, уларда ички ишлар органлари соҳавий ҳизматларининг ўзаро, давлат органлари ва муассасалари, жамоатчилик тузилмалари билан узвий ҳамкорлиги юлга қуйилмоқда. Профилактика инспекторларини уй-жой, хизмат хоналари ва автомашиналар билан таъминлаш масалалари хал килиб берилмоқда. Жамоат тартибини саклаш ва ҳуқуқбузарликтининг барвақт олдини олиш

борасидаги саъй-ҳаракатлар, аввало, кенг жамоатчиликнинг иштироки билан 2018 йилда умумий жиноятчиликнинг 36 фоизга камайишига эришилди. З минг 205 та ёки 35 фоиздан зиёд маҳаллада эса биронта ҳам жиноят содир этилмади .

Шуниндек профилактика инспектори ҳудуддаги тезкор вазият асосида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни умумий профилактикасини амалга ошириш, давлат ва жамият мулкини сақлаш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил этиш айниқса ички ишлар органларининг бошқа

хизматлари билан ҳамкорликни ташкил этиш энг аввало мазкур ҳудуддаги жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ишларни бевосита таянч пуктида фаолият олби борувчи профилактика инспектори ташкиллаштиради²¹⁰.

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни ҳамда ҳудудида истиқомат қиласиган фуқароларнинг, ҳудуда жойлашган корхона, ташкилот муассасалар ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларининг навбатчилик жадвали асосида маъсул ходимларнинг навбатчилигини ташкил этишни таъминлайди, назорат қиласиди, ушбу обьектларда содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар, жумладан давлат мулкини талон-тарож қилинишини олдини олиш, террористик-қўпорувчилик, босқинчилик ва шунга ўхшаш жиноятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилайди.

Бугунги кунда профилактика инспекторларининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 191-сонли буйруғига кўра ҳуқуқбузарликлар профилактиаксини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш бўйича фаолиятини ташкил этиш бўйича маъмурий ҳудудда қуидаги муаммоларни бартараф этиш лозим: *биринчидан*, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан амалга оширадиган ўзаро ҳамкорлик самарали ташкил этиш; *иккинчидан*, ўзаро ҳамкорлик жараёнида амалий ва ахборот алмашув жараёнида ҳамкорлик қилиш; *учинчидан*, ички ишлар органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан ҳамкорлигини такомилаштириш; *тўртинчидан*, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлараро ўзаро ички ҳамкорликнинг режа ва дастури ишлаб чиқиш; *бешинчидан*, ички ишлар органларининг давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш.

ХУЛОСА

Бугунги кунда юзага келётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш орқали ҳуқуқбузурликларни барвақт олдини олиш фаолиятининг бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шунга кўра профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни такомиллаштиришда қуидаги ишларни амалга ошириш лозим:

²¹⁰ 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 191-сонли буйруғи.

- Жиноятчилик устидан ижтимоий-хуқуқий назоратни амалга ошириш соҳасининг устивор йуналиши хисобланган хуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш субъектларининг бу соҳадаги фаолиятини тартибга солувчи, шу жумладан улар ўртасидаги хамкорликни кучайтириш;

- Таянч пункти ишига раҳбарлик килиш маъсулияти юклатилган профилактика катта инспекторлари лавозимиға ички ишлар органларида камида уч йил ишлаган, ташкилотчилик, ташаббускорлик, кенг фикрлилик қобилиятига, хуқуқшунослик ва педагогик-психологик билимларга эга булган ходимларни тайинлаш мақсадга мувофиқ

- Таянч пунктида профилактика (катта) инспекторлари билан доимий хамкорлиқда фаолият юритувчи субъектларнинг маҳсус дастур асосида хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш, худудда жамоат тартибини саклаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишдаги хамкорлигини такомиллаштириш лозим;

- Маҳалла худудида жамоат тартибини саклаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш, у ерда истикомат қилувчи фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришлари учун шартшароитларни яратишга, уларнинг хуқуқ ва эркинликларини химоя килишга, хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари билан бир вактда фуқароларни ўзини-ўзи бошкариш органларининг ҳам маъсулиятини янада ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

15. Абдурасулова Қ. Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-хуқуқий ва криминологик муаммолари / Масъул мұҳаррир: ю.ф.д., проф. М. Қ. Рустамбоев. – Т., 2005. – Б. 125.

16. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. Масъул мұҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 12 бет.

17. Гадайбоев А. Маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олишга доир баъзи масалалар // Жиноятчиликнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т., 2003. – Б. 12.

18. Гельфанд И.А., Михайленко П.П. Предупреждение преступлений – основа борьбы за искоренение преступности. – М., Юридическая литература, 1964.

19. Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: Умумий қисм. Дарслик / ю.ф.д., проф. Ғ. Абдумажидов таҳрири остида. –Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. – 89 бет.

20. Исламов З. М. Давлат ва хуқуқ назарияси. – Т., 2007. – Б. 855.

21. Исмаилов И. Ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотлар – фуқаролар осойишталиги, хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш омилиининг /

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси. -Т., 2013. – № 3. –Б. 24.

22. Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 130;
23. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – 56 б.
24. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., – 1998.– 449 б.
25. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасурова, И.Ю.Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 189 (272).
26. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 5-8 (539) б.
27. Қаршиев F.C. Ички ишлар органларининг қонунийлик принципи ҳақида айrim мулоҳазалар // «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2017 йил 16 март). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 66-68 б.
28. Қурбонова Ш.Н. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг долзарб вазифалари // «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2017 йил 16 март). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 145-148 б.